«Hujjat.uz» 2.0
ахборот тизими

# Фойдаланувчи йўриқномаси

(30 варақда)

«RealSoft» МЧЖ – 2020

# МУНДАРИЖА:


1. **Кириш** ... 3
2. **Тизим интерфейси ва рўйхатдан ўтиш тартиби** ... 4
3. **Электрон шартномаларни расмийлаштириш** ... 8
4. **Электрон ҳисобварақ-фактуралар (ЭҲФ) ни расмийлаштириш** ... 12
6. **Электрон ишончномаларни расмийлаштириш** ... 19
7. **Дастурий маҳсулот учун тўловларни амалга ошириш** ... 26

# 1. Кириш

**«Hujjat.uz»** - бу ҳисобварақ-фактуралар ва ишончномаларни электрон шаклда тузиш ва уларни мижозлар ҳамда ҳамкорлар билан алмашиш имконини берадиган ахборот тизимидир.

Ушбу тизим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон қарори асосида ишлаб чиқилган.

**«Hujjat.uz»** тизимини яратувчиси **“RealSoft” МЧЖ** ҳисобланади. Тизим лицензияланган ва мувофиқлик сертификатига эга.

**«Hujjat.uz»** тизимида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан берилган электрон рақамли имзо сертификатлари қўлланилади.

Электрон рақамли имзо билан ишлашни бошлаш учун маҳсус e-imzo модулини ***http://dls.yt.uz/E-IMZO-v3.41.zip*** ҳавола орқали юклаб олиб компютерингизга ўрнатишингиз керак.

Қўшимча маълумотларни (***https://soliq.uz/uz/interactive/elektron_raqamli_imzo/*** ) ҳавола орқали танишиб чиқишингиз мумкин.

## Атамалар

**Электрон рақамли имзо** (кейинги ўринларда ЭРИ деб юритилади) - давлат идоралари билан ўзаро муносабатни ўрнатишда жисмоний ёки юридик шахсга электрон хатти-ҳаракатларини тасдиқлаш учун зарур бўладиган, масъул давлат органи томонидан тақдим этилган, электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо;

**Электрон ҳисобварақ-фактура** (кейинги ўринларда ЭҲФ деб юритилади) – товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилиш ва сотиб олиш фактини тасдиқлайдиган, электрон ҳужжат айланиши тизими операторлари орқали тақдим этиладиган ва қабул қилинадиган электрон ҳужжат;

**Электрон ишончнома** (кейинги ўринларда Ишончнома деб юритилади) - хўжалик юритувчи субъект томонидан етказиб берувчилардан товар-моддий бойликларни олиш учун ишончли шахсга берилган ва хўжалик юритувчи субъектнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат;.

**QR-код** – тасдиқланган ЭҲФ га бириктириладиган ва ҳужжатни қоғоз шаклида чоп этилганда кўрсатиладиган, мобил иловалар ва дастурий маҳсуллар орқали ўқиш (сканерлаш) вақтида ЭҲФ ҳақида барча маълумотларга ҳавола бўладиган махсус график код.

## 2. Тизим интерфейси ва рўйхатдан ўтиш тартиби

Тизим порталига кириш учун интернет браузерининг излаш каторида ***https://hujjat.uz/*** манзили киритилади ва излаш тугмаси босилади.



Фойдаланувчи шахсий кабинетига ўтиш учун **“Кириш”** тугмаси босилиб рўйхатдан **ЭРИ** танланади.




Шундан сўнг **“Кириш”** тугмаси яна босилади ва тасдиқлаш пароли киритилиб **“ОК”** тугмаси босилади.



**«Hujjat.uz»** тизимида электрон ҳисобварақ-фактура ва ишончномаларни расмийлаштириш фойдаланувчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади.

Шахсий кабинет менюсида қўйидаги бўлимлар яратилган:

- **«Шартномалар»** – товар ва хизматлар учун электрон шаклда шартномаларни тузиш ва уларни мижозлар билан алмашиш;
- **«Фактуралар»** – ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда тузиш ва уларни мижозлар билан алмашиш;
- **«Ишончномалар»** - хўжалик юритувчи субъект томонидан етказиб берувчилардан товар-моддий бойликларни олиш учун ишончли шахсга электрон ишончнома расмийлаштириш;
- **«Тўловлар»** - тизимдан фойдаланиш учун ўтказилган тўловлар реести ҳақида маълумотлар;
- **«Оммавий оферта»** - тизимда электрон ҳужжат айланиши хизматини кўрсатиш бўйича электрон шаклдаги келишув битим;
- **«Чиқиш»** - тизимдан чиқиш.




Тизимда ишни бошлаш учун **«Оммавий оферта»** бўлимига ўтилади ва оммавий оферта шартлари билан танишиб чиқади. Оммавий оферта ойнасида ***«Мен оммавий оферта шартларини қабул қиламан»*** *га* белги қўйиб оферта шартларини қабул қилинади ва **“Рўйхатдан ўтиш”** тугмаси босилади.



## 3. Электрон шартномаларни расмийлаштириш

Тизимни **“Шартномалар”** бўлимида товар ва хизматлар учун электрон шаклда шартномаларни тузиш ва уларни буюртмачилар билан алмашиш автоматлаштирилган.

Электрон шартномаларни тайёрлаш учун **+ Янги шартнома қўшиш** тугмаси босилади ва шартномани таҳрирлаш ойнасида очилади.

Шартномани таҳрирлаш ойнасида шартнома рақами, санаси, шартнома тузилилаётган манзил, сотиб олувчини СТИР, сотилаётган товар ва хизматларнинг номланиши, миқдорлари ҳамда нархлари киритилади.

Шунингдек, ушбу ойнада ҳужжатни имзолаш учун буюртмачига хабар юбориш учун белги қўйиб буюртмачи раҳбарини мобил телефон рақами киритилади.



Шартномаларни матнини шаблондан фойдаланиб тайёрлаш мумкин. Бунинг учун шартномани таҳрирлаш ойнасида **шартнома матни (шаблон)** ўтилади ва шаблонлар рўйхатидан танланади.

Шартнома лойиҳасини кўриш учун таҳрирлаш ойнасида **шартномани кўриш** қисмига ўтилади.




Шартномани таҳрирлаш ишларини якунлаш учун **Сақлаш** тугмаси босилади ва шундан кейин дастур ойнасида шартнома матни очилади.

Шартномани имзолаш учун **› Имзога юбориш** тугмаси босилади ва корхона раҳбарини ЭРИ ёрдамида **имзолаш** тугмаси босилиб шартнома бир томонлама имзоланади.


dashboard
Электрон ҳужжат
hujjat.uz/doc.jsp?source=contract.jsp&id=200&ro=1
Имзога юбориш
Чоп этиш
Чиқиш
ШАРТНОМА № 3
Тошкент ш.
13.08.2020
Электронный документ
hujjat.uz/doc.jsp?sp=1&id=49ca04f5-13d5-478d-a2ae-9a3c0584489d&pin=nM94pG99
ЭРИ калитини танланг:
имзолаш
Бекор қилиш
чоп этиш
жисмоний ЭРИ билан имзолаш
Отмена через 57 секунд
Пароль ключа
Введите пароль ключа
C:\DSKEYS\DS3063437160001.pfx
Запомнить на 6 час.
OK
Отмена
Шартномалар
hujjat.uz/doc.jsp?id=49ca04f5-13d5-478d-a2ae-9a3c0584489d&pin=nM94pG99
нусха олиш
Имзолар:
МАМАДАЛИЕВ КАМОЛДИН РАХМАТУЛЛАЕВИЧ
OOO ZEBO PRINTS
СТИР: 306343716
сана: 13.08.2020
кўчириб олиш

Таъминотчи томонидан шартнома имзолангандан кейин дастур автоматик тарзда буюртмачи корхона раҳбарини телефон рақамига шартномани имзолаш ҳақида хабарномани СМС орқали юборади.

Шартнома икки томондан тўлиқ имзолангандан кейин кучга киради.

Шартномани электрон нусхасини юклаб олиш учун 

ва принтерда чоп этиш 

учун тугмалари босилади.

Мобил илова орқали **QR-кодни** ўқиб шартнома матнини ва имзоланган санасини кўриш мумкин.

## 4. Электрон ҳисобварақ-фактуралар (ЭҲФ) ни расмийлаштириш

Тизимда товар ва хизматлар учун ЭҲФ расмийлаштириш ишлари **«Фактуралар»** бўлимида амалга оширилади.

ЭҲФ тайёрлаш учун **+ Янги фактура қўшиш** тугмаси босилади.



ЭҲФ лар **Стандарт, Қўшимча, Харажатларни қоплаш, Тўловсиз** ва **Тузатувчи** турларига бўлинади.

**Стандарт** - ЭҲФ тури анъанавий тарзда тўлдирилади ва янгидан расмийлаштирилаётган товарлар ва хизматлар реализациясида қўлланилади.

**Қўшимча** - Товарларни (хизматларни) етказиб берувчи томонидан солиқ базасига тузатиш киритиш амалга оширилаётганда, харидор етказиб берувчи томонидан расмийлаштирилган қўшимча ҳисобварақ-фактура асосида илгари ўзи ҳисобга олиш учун қабул қилган солиқ суммасига тегишли тарзда тузатиш киритади (кўпайтиради ёки камайтиради).

**Харажатларни қоплаш** - Ижара шартномасига мувофиқ қиймати ижарага олувчи томонидан қопланиши лозим бўлган коммунал хизматлар, электр энергияси, алоқа хизматлари учун ижарага берувчи томонидан тўланган (тўланиши лозим бўлган) суммалар ижарага берувчининг харажатлари ҳисобланмайди ва ушбу хизматлар бўйича ҚҚС суммаси ижарага берувчи томонидан ҳисобга олинмайди. Ижарага олувчидан коммунал хизматлар, электр энергияси, алоқа хизматлари истеъмоли учун олинган қоплаш суммаси ижарага берувчининг даромади ҳисобланмайди.

Ижара шартномасига мувофиқ қиймати ижарага олувчи томонидан қопланиши лозим бўлган электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари учун ижарага берувчи томонидан тўланган (тўланиши лозим бўлган) суммалар ижарага берувчининг харажатлари ҳисобланмайди ва ушбу хизматлар бўйича ҚҚС суммаси ижарага берувчи томонидан ҳисобга олинмайди. Ижарага олувчидан электр ва (ёки) иссиқлик энергияси, сув, газ, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари истеъмоли учун олинган қоплаш суммаси ижарага берувчининг даромади ҳисобланмайди.

**Тўловсиз** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан у ваколат берган ташкилотлар орқали тақсимланадиган, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор гуруҳларига тиббий ва (ёки) ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасаларини қўллаб-қувватлаш, табиий офатлар, фалокатлар ва ҳалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва бошқа фавқулотда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикасига аниқ мақсадли беғараз кўмаклашиш солиқ солиш мақсадида инсонпарварлик ёрдами деб эътироф этиладиган товарлар ва хизматлар реализациясида қўлланилади.

**Тузатувчи** - хато расмийлаштирилган ҳолда тасдиқланган электрон ҳисобварақ-фактураларни бекор қилиш ва ўрнига янги ЭҲФни яратиш имконияти мавжуд. Бундай ҳолда илгари ёзиб берилган ҳисобварақ-фактура бекор қилинади ва унинг ўрнига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузатилган ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилади.

**"Электрон ҳисоб-фактура қўшиш"** ойнасида шартнома ва ҳисоб-фактура рақамлари ҳамда саналари, товар ва хизматларни сотиб олувчи корхонанинг СТИР ҳамда етказиб берилаётган товар ва хизматларнинг тўлиқ номи, ўлчов бирлиги, миқдори, баҳоси, ҚҚС фоизи ҳамда акциз суммаси киритилади.

Шунингдек, ушбу бўлимда электрон ишончномани расмийлаштириш кўзда тутилган. Бунинг учун ☑ Ишончнома катагига белги қўйилиб электрон ишончнома расмийлаштирилади. Ушбу ойнада ишончнома санаси, рақами, ишончнома берилаётган фуқаронинг паспорт серияси ва рақами, туғилган санаси киритилади. Ишончнома берилаётган фуқаронинг Ф.И.Ш ҳам СТИР маълумотлари Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базасидан интеграция йўли билан олинади.




| № | Товар, иш ва хизматлар номи | ўлчов бирлиги | миқдори | баҳоси, сўм | етказиб бериш қиймати, сўм | ҚҚС ставкаси, % | ҚҚС суммаси, сўм | етказиб беришнинг жами қиймати, сўм | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Тузилган контрактация шартномалари ва қабул қилинган бошоқли дон ҳажмлари | штука | 1 | 800 000 | 800 000 | ҚҚС | | 800 000 | ўчириш |
| 2 | «Ғалла-2020» ахборот тизимини қабул мавсумига тайёрлаш ва мавсум давомида | штука | 1 | 800 000 | 800 000 | ҚҚС | | 800 000 | ўчириш |
| 3 | | штука | | | | ҚҚС | | | ўчириш |
| | | жами: | 2 | | 1 600 000 | | 0 | 1 600 000 | |

ЭҲФни тайёрлаш ишлари якунлангандан кейин **Сақлаш** тугмаси босилади.

Шундан кейин **Имзога юбориш** тугмаси босилиб ЭҲФ имзога юборилади.

ЭҲФ фойдаланувчининг ЭРИ калити танланади ва **имзолаш** тугмаси босилади.



Юқоридаги амаллар бажарилгандан сўнг ЭҲФ бир томонлама имзоланади ва хужжатда ҳисоб-фактурани тақдим этаётган хўжалик субъектининг номланиши, имзо қўйган шахсни Ф.И.Ш, СТИР рақами ва имзоланган сана акс этади.

Мобил қурилма ёрдамида ЭҲФда яратилган QR-код орқали ўқиш орқали электрон хужжатни матнини ҳамда сақланган ҳаволани кўриш мумкин.



## 5. Харид қилувчи томонидан ЭҲФларни тасдиқлаш

ЭҲФ товар ва хизматларни етказиб берувчи томонидан тасдиқлангандан кейин харид қилувчи томон (контрагент) уни тасдиқлаши лозим.

Бунинг учун контрагент тизимга электрон рақамли имзо калити ёрдамида киради.

Дастурда харид қилинадиган товар ва хизматларга расмийлаштирилган ЭҲФларни тасдиқлаш учун **Харидлар реестри** тугмаси босилади.




| № | фактура | | | | имзоланган сана | | контрагент | | | | ҳолати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | санаси | рақами | миқдори | суммаси | таъминотчи | буюртмачи | номи | СТИР | санаси | рақ | |
| 1 | 01.06.2020 | 69/16 | 18 | 14 400 000 | 10.07.2020 | 10.07.2020 | АО «DUNYO-M» | 201007054 | | | тўлиқ имзоланган |
| 2 | 01.06.2020 | 69/36 | 2 | 1 600 000 | 09.07.2020 | имзоланмаган | АО «G`ALLA-ALTEG» | 200547594 | | | контрагент имзосини кутмоқда |
| 3 | 30.06.2020 | 70/107 | 4 | 4 000 000 | 09.07.2020 | 10.07.2020 | «ЯКАТУТ`САВДА И/Ч МЧ ЖАМИЯТ | 201808165 | | | тўлиқ имзоланган |
| 4 | 30.06.2020 | 70/106 | 4 | 3 000 000 | 09.07.2020 | имзоланмаган | ООО «SANGZOR-BIZNES PARRANDA» | 304746112 | | | контрагент имзосини кутмоқда |
| 5 | 30.06.2020 | 70/105 | 8 | 6 000 000 | 06.07.2020 | имзоланмаган | ООО «TCT AGRO CLUSTER» | 305905926 | | | контрагент имзосини кутмоқда |
| 6 | 22.06.2020 | 67 | 3 | 140 000 000 | 23.06.2020 | имзоланмаган | «O`ZBEKBALIQSANOAT» UYUSHMASI | 207254654 | | | рад этилган |
| 7 | 01.06.2020 | 69/8-1 | 2 | 1 600 000 | 17.06.2020 | 20.06.2020 | «QO`RG`ONTEPA DON MAXSULOTLARI» AJ | 200279414 | | | тўлиқ имзоланган |
| 8 | 01.06.2020 | 69/6-1 | 2 | 1 600 000 | 17.06.2020 | 18.06.2020 | «ANDIJONDONMAHSULOT» AJ | 200230721 | | | тўлиқ имзоланган |
| 9 | 01.06.2020 | 69/34-1 | 2 | 1 600 000 | 17.06.2020 | имзоланмаган | «TOSHKENTDONMAHSULOTLARI`AJ | 200547706 | | | контрагент имзосини кутмоқда |
| 10 | 18.01.2020 | 1 | 1 | 1 000 | 18.01.2020 | имзоланмаган | ООО "YUNUSOBOD CITY" | 306011242 | 18.01.2020 | | бекор қилинган |
| 11 | 05.02.2020 | 11 | 1 | 123 123 | 05.02.2020 | имзоланмаган | ООО "YUNUSOBOD CITY" | 306011242 | | | бекор қилинган |
| 12 | 05.02.2020 | 223 | 33 | 1 466 652 | 05.02.2020 | 05.02.2020 | ООО "REALSOFT" | 303465075 | | | бекор қилинган |
| 13 | 01.06.2020 | 69/44 | 4 | 3 200 000 | 02.06.2020 | 14.06.2020 | АО «SHOVOT DON MAHSULOTLARI» | 201157842 | | | тўлиқ имзоланган |
| 14 | 01.06.2020 | 69/43 | 4 | 3 200 000 | 02.06.2020 | 10.07.2020 | АО «BOG`OT DON» | 200426279 | | | тўлиқ имзоланган |
| 15 | 01.06.2020 | 69/42 | 4 | 3 200 000 | 02.06.2020 | 18.06.2020 | АО «XONQA DON MAXSULOTLARI» | 200429242 | | | тўлиқ имзоланган |
| | жами: | 15 | 92 | 184 990 775 | | | | | | | |

**Харид реестри** рўйхатида товар ва хизматларни етказиб берувчи томонидан расмийлаштирилган ЭҲФлар акс этади.

Буюртмачи, яъни контрагент ушбу рўйхатда ЭҲФларни **имзоланмаган** катагига сичқонча билан босади ва товар ҳамда хизматларни етказиб берувчи томонидан расмийлаштирилган электрон ҳисоб-фактур матни очилади.

Контрагент электрон ҳисоб-фактурани имзолаш учун “Эри калитини танланг” устуни каторида ЭРИ калитини танлайди ва **имзолаш** тугмасини босиб имзолайди.

Агар, электрон ҳисоб-фактура нотўғри расмийлаштирилган бўлса рад этиш сабабларини қисқача ёзади ва **Рад этиш** тугмаси босилиб рад қилинади.




ЭҲФ сотувчи ва харидор томонидан ЭРИ лари ёрдамида имзоланганидан кейин ҳужжат қонуний кучга киради.



## 6. Электрон ишончномаларни расмийлаштириш

Тизимда электрон ишончномаларни расмийлаштириш ишлари **«Ишончномалар»** бўлимида амалга оширилади. Ишончномаларни тайёрлаш учун **+ Янги ишончнома қўшиш** тугмаси босилади.




**“+Янги ишончнома қўшиш”** ойнасида ишончнома санаси, рақами, ишончнома берилган фуқаронинг паспорт серияси, рақами ва лавозими киритилади. Ишончнома берилаётган фуқаронинг Ф.И.Ш ҳам СТИР маълумоти Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базасидан интеграция йўли билан олинади.

Шунингдек, ишончномани таҳрирлаш ойнасида шартнома санаси, товар ва хизматларни сотувчи корхонанинг СТИР рақами ҳамда етказиб берилаётган товар ва хизматларнинг тўлиқ номи, ўлчов бирлиги ва миқдори киритилади.

Ишончномани тайёрлаш ишлари якунлангандан кейин **Сақлаш** тугмаси босилади.




Шундан кейин **Имзога юбориш** тугмаси босилиб ишончнома имзога юборилади.



Ишончномани имзолаш жараёнида ЭРИ калитнинг пароли киритилиб тасдиқланади.






Кейинги босқичда, ишончномани Агент, яъни ишончнома берилган шахс томонидан имзолаши лозим.



Бунинг учун Агент ЭРИ ёрдамида дастурга киради ва **Ишончномалар** бўлимида **имзолаш** тугмасини босиб ишончномани ЭРИ ёрдамида имзолайди.



Ишончномани имзолаш жараёнида ЭРИ калитнинг пароли киритилиб тасдиқланади.






Ишончнома Агент томонидан имзолангандан кейин Буюртмачи ушбу ишончномани ЭРИ ёрдами имзолайди ёки рад этади.

Бунинг учун Буюртмачи дастурга ЭРИ ёрдамида киради ва **Ишончномалар** бўлимида **имзолаш** тугмасини сичқонча билан босади.

Шундан кейин ишончнома ЭРИ ёрдамида имзолаш тугмаси босилиб ҳужжат имзоланади.




Агарда, Ишончномада хато ва камчиликлар мавжуд бўлса у ҳолда рад этиш сабаблари қисқача ёзилади ва ✕ Рад этиш тугмаси босилиб ишончнома рад этилади.

Ишончнома Таъминотчи, Агент ва Буюртмачи томонидан имзолангандан кейин кучга киради.




Ишончномани электрон нусхасини юклаб олиш учун **кўчириб олиш** ва принтерда чоп этиш учун **чоп этиш** тугмалари босилади.

Мобил илова орқали **QR-кодни** ўқиб Ишончнома матнини ва имзоланган санасини кўриш мумкин.

## 7. Дастурий маҳсулот учун тўловларни амалга ошириш

Фойдаланувчи тизимда рўйхатдан ўтгандан кейин дастурда ишлаш учун белиланган тўловни амалга ошириши лозим.

Тўловни белгиланган нархномага мувофиқ ҳисоб-рақамдан пул кўчириш орқали йўли ёки пластик картадан Payme мобил иловаси ёрдамида ўтказиш мумкин.

Иловани **Appstore** менеджери орқали мобиль қурилмага юклаб олиш мумкин. Иловани қурилмага ўрнатиш ва тўловларни ўтказиш тартиби қуйидаги ҳаволада босқичма-босқич кўрсатиб ўтилади.

3.1. Мобиль қурилма ойнасида **«PayMe»** тугмасига босилади. (1-расм).

3.2. Иловага кирилгандан сўнг, **«Оплата»** тугмаси босилади (2-расм).

*1-расм*




*2-расм*



3.3. Кейинги босқичда **«Онлайн сервисы»** тугмасига босилади. (3-расм).

*3-расм*




3.4. Рўйхатда **«Hujjat.uz»** тугмаси босилади (4-расм).

*4-расм*



3.5. Кейинги босқичда фойдаланувчини СТИР ва тўлов суммаси киритилиб **«Продолжить»** тугмаси босилади. (5-расм).

3.6. Тўловни тасдиқлаш учун **«Оплатить»** тугмаси босилади (6-расм).

*5-расм*




*6-расм*



3.7. Тўлов ўтказилгандан кейин илова ойнасида **«Оплата успешно проведена»** хабари чиқади (7-расм).

*7-расм*



Тизим менюсидаги “**Тўловлар**” бўлимига кириб ўтказилган тўловлар реестри ҳақида маълумотларни кўриш мумкин.




| № | тўлов санаси | суммаси, сўм | тўлов тури |
|---|---|---|---|
| 1 | 17.07.2020 | 1 000 | Payme транзакция ID: dfa7e |
| 2 | 11.07.2020 | 500 | Payme транзакция ID: 03345 |
| 3 | 10.07.2020 | 5 000 | Payme транзакция ID: a6ab3 |
| 4 | 07.07.2020 | 500 | Payme транзакция ID: bef87 |
| 5 | 02.07.2020 | 10 000 | Payme транзакция ID: 68738 |
| 6 | 02.07.2020 | 500 | Payme транзакция ID: 82cc7 |
| 7 | 25.06.2020 | 10 000 | тўлов топшириқнома № 59719278 |
| 8 | 22.06.2020 | 1 000 | Payme транзакция ID: cad3e |
| 9 | 22.06.2020 | 500 | Payme транзакция ID: ca59a |
| | жами: | 29 000 | 9 |